

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСАХОНЗОДА ИКРОМЖОН СОБИРХОН ЎҒЛИ

КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БОШҚАРИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(«Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси корхоналари мисолида)

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Мусахонзода Икромжон Собирхон ўғли

Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизимини
такомиллаштириш («Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси
корхоналари мисолида) 3

Мусахонзода Икромжон Собирхон угли

Совершенствование системы управления финансовыми
результатами предприятий (на примере предприятий акционерной
компанияи «Уздонмахсулот») 29

Musakhonzoda Ikromjon Sobirkhon ogli

Improving the management system of financial results of enterprises
(on the example of enterprises of the joint-stock company
«Uzdonmahsulot») 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСАХОНЗОДА ИКРОМЖОН СОБИРХОН ЎҒЛИ

КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БОШҚАРИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(«Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси корхоналари мисолида)

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Iqt1222 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим тармоғида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Аҳмеджанов Каримжон Бакиджанович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Карлибаева Рая Ходжабаевна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исламқулов Алимназар Худжамуратович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент


Етақчи ташкилот: Тошкент молия институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «29» апрель соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри Ислоҳ Каримов кўчаси 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz.


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1040 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239 43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «15» 04 кун тарқатилди.
(2021 йил «15» 04 даги 5 рақамли реестр баённомаси).




Н.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор


Д.А. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор


С.К. Худойқулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳон амалиётида йирик корпоратив бизнес тузилмаларининг молиявий натижалари улар ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятининг самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлиги таъсирида шаклланивчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Корхоналарда юқори молиявий натижаларга эришиш ишлаб чиқариш фаолиятининг интенсив тавсифи, мавжуд меҳнат ва молиявий ресурслар ҳамда капиталдан оқилона фойдаланишнинг асосий индикаторлари сифатида хизмат қилади. Буюк Британиянинг «The Economist» газетаси халқаро экспертларининг тасдиқлашича, «2019 йилда жаҳон иқтисодиёти учун 10 та асосий рисклардан бири кейинги йиллардаги сифатсиз корпоратив облигациялар ҳисобига қарзли молиялаштириш амалиётининг кучайиши ҳисобланади»¹. Ушбу тенденция реал сектордаги йирик корпоратив тузилмалар ички молиялаштириш манбаларининг заифлашуви билан боғлиқ бўлиб, айти пайтда корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизимини такомиллаштириш муаммосининг долзарблигини намоён этади.

Ҳозирда жаҳонда йирик корпоратив тузилмалар фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлашнинг самарали йўллари излаш, уларни бошқаришнинг замонавий усуллари аниқлаш, корхоналар молиявий барқарорлигини баҳолашнинг янги илмий-услубий ёндашувларини ишлаб чиқиш, хўжалик субъектларининг истиқболдаги инвестициявий жозибадорлиги, кредитга лаёқатлилиги ҳамда бозор қийматини оширишда молиявий натижаларни мақсадга йўналтирилган бошқариш тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг тадқиқотлар олиб борилмоқда. Корпоратив тузилмалар молиявий натижаларини бошқариш тизимини такомиллаштиришда бизнеснинг хусусиятлари, ишлаб чиқаришнинг капитал сиғими, тармоқлардаги вазият сингари омиллар асосида танлашга эътибор қаратилиб, бизнес қиймати ва соф молиявий натижалар самарадорлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ этиш илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шароитида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш йўналишларидан бири сифатида хўжалик субъектлари фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали, нархларни пасайтириш ва сифатни ошириш, йирик саноат корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш, халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни тузиш, захираларни қайта ҳисоблаш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш каби ишларни яқунлаш»² устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган.

Бу вазифаларнинг изчил ижросини таъминлашда реал сектор корхоналари молиявий натижаларини самарали бошқариш механизмларини такомиллаштириш, акциядорлик жамиятлари фаолиятидаги молиявий натижалар

¹ Манба: 10 major risks to the global economy in 2019 // <https://www.economist.com/>

² Шавкат Мирзиёев: Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жилавлан – иқтисодий ислохотлар жараёнидаги бош вазифамиздир. 2020 йил 24 январь. – <https://president.uz/uz/lists/view/3317>

шаклланишининг ҳар бир босқичи бўйича илмий асосланган меъёрларни аниқлаш, корхона активлари ва пасивларини мувозанатли бошқаришда харажатлар алоҳида элементларининг доимий мониторинги ва уларни тежаш имкониятларини аниқлаш, операцион харажатларни минималлаштиришда айрим функционал вазифаларни фрилансинг хизматларидан фойдаланиш амалиётига ўтказиш масалаларини бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги, 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сонли «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПФ-5718-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги ВМҚ-775-сонли «Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда соҳага доир бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий, ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Молиявий менежмент тизимида корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизимининг илмий-назарий ва ташкилий-иқтисодий асосларини қамраб олувчи тадқиқотлар қатор хорижий олим ва мутахассислар, жумладан, В.В.Бочаров, Л.А.Бернштейн, Ж.К.Ван Хорн, А.Ф.Ионова, В.В.Ковалёв, В.Е.Леонтьев, Н.Н.Селезнёва, А.Д.Шеремет, Г.Шмален ва бошқалар томонидан ўрганилган³.

³ Бочаров В.В., Леонтьев В.Е. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2008. – 424 с.; Бернштейн Л.А. Анализ финансовой отчетности: теория, практика и интерпретация: пер. с англ./ Научн. ред. перевода чл. – корр. РАН И.И.Елисеева. – М.: Финансы и статистика, 1996. – 333 с.; Ван Хорн Дж.К. Основы управления финансами/ пер. с англ. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 800 с.; Селезнева Н.Н., Ионова А.Ф. Финансовый анализ. Управление финансами. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 295 с.; Ковалев В.В. Финансовый менеджмент. – М.: Финансы и статистика, 2008. – 79 с.; Леонтьев В.Е., Бочаров В.В. Финансовый менеджмент. – М.: Элит, 2005. – 304 с.; Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Финансы предприятия. – М.: ИНФРА, 2008. – 343 с.; Шмален Г. Основы и проблемы экономики предприятия: пер. с нем./ Под. ред. проф. А.Г.Поршнева. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 512 с.

Молиявий менежмент тизимида молиявий натижалар элементларини бошқаришнинг илмий ва амалий асослари ривожланишига ўзбекистонлик қатор иқтисодчи олимлар, хусусан, А.В.Ваҳобов, Н.Х.Жумаев, Д.Р.Зайналов, О.К.Иминов, О.О.Олимжонов, М.Б.Хамидуллин, Р.Х.Карлибаева, М.Пардаев, К.У.Шарифхўжаева, Б.Э.Ташмуродова, К.Б.Ахмеджанов, Х.А.Курбонов, С.Э.Элмурзаев ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар⁴.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда реал сектор корхоналарининг истиқболдаги тараққиётида уларнинг рентабеллигини ошириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш тизимини янада ривожлантириш билан боғлиқ стратегик аҳамиятга эга вазифаларнинг қўйилиши корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизимининг илмий ва амалий асосларини янада кенг спектрда тадқиқ қилишни тақозо қилмоқда.

Диссертациянинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-5 «Ўзбекистонда банк-молия тизимини ривожлантиришнинг концептуал йўналиш ва истиқболлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корхоналар молиявий натижаларини бошқаришни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

корхоналар молиявий натижалари мазмуни ва уни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини тадқиқ қилиш;

корхоналар молиявий натижаларини шакллантириш тизимида харажатларни бошқариш концепцияларини тизимлаштириш;

иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги шароитида корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришнинг зарурлигини асослаш;

корхоналар молиявий натижаларининг шаклланиш манбалари ва молиявий натижаларини шакллантиришга харажат тизими элементлари таъсирининг декомпозицион таҳлилинини амалга ошириш;

фойда ва рентабеллик кўрсаткичларига корхона мулкий ҳолатининг таъсирини комплекс баҳолаш;

сарф-харажатларни самарали бошқариш орқали соф молиявий натижани максималлаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

⁴ Зайналов Ж.Р. Необходимость создания благоприятствующих условий для реализации денежно-кредитной политики и развития коммерческих банков. Белоруссия. Журнал «Фінансовий простір», 2014. – № 4. – С.72-76.; Хамидуллин М.Б. Повышение инвестиционной привлекательности и активизация участия акционерных обществ на рынках капитала // Новые тенденции в экономической науке и образовании. – М.: Монография, 2014. – 148 с.; Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари. Монография. – Т.: LESSON PRESS, 2018 й.-66-71 бетлар.; Шарифходжаева К.У. Направления дальнейшего развития кредитования и предоставления банковских услуг в Республике Узбекистан. Молодой учёный, 2016. – №13. – 546с.; Саттаров Т.А. и др. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. – Т.: SHARQ, 2011. – 232 б. Курбонов Х.А. Корпоративные финансы. – Т.: Iqtisod-moliya, 2007. – 184 с.; Элмурзаев С.Э. Организационные характеристики и вопросы совершенствования дивидендной политики. Электронный журнал. «Международные финансы и бухгалтерский учет». 2016. №2.

молиявий-трансакцион харажатлар билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш орқали корхоналар молиявий натижалари самарадорлигини ошириш имкониятларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети корхоналарда молиявий натижаларни шакллантириш ва уни бошқариш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий абстракциялаш, корреляцион, регрессион, вертикал ва горизонтал, тренд таҳлили, синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

донни қайта ишлаш ва ун маҳсулотларини тайёрлаш корхоналари фаолиятининг паст самарали ва асосий технологик занжирга боғлиқ бўлмаган функцияларини ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан аутсорсинг асосида ишлаб чиқариш ва бошқаришга ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

корхона фаолиятини молиявий диагностика қилишнинг даврий ва тор ихтисосликка асосланган функционал вазифасини фрилансинг хизматларидан фойдаланиш амалиётига ўтказиш орқали операцион харажатларни минималлаштириш таклифи асосланган;

иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича соф молиявий натижани максималлаштиришда харажатлар алоҳида элементларининг доимий мониторинги ва уларни тежаш имкониятларини аниқлашни таъминловчи молиявий масъулият марказларини ташкил қилиш асосланган;

«Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналар фаолиятида жами харажат ва унинг элементлари ўзгариш динамикасини ҳисобга олган ҳолда молиявий натижаларнинг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий тараққиёт парадигмасида «молиявий натижа» тушунчасининг бошқарув ҳисоби ва молиявий категория сифатидаги хусусиятларини тадқиқ этиш асосида муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган;

молиявий натижаларни оператив бошқариш тизимида фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича соф молиявий натижаларни максималлаштириш ва интенсив ривожланиш суръатини таъминлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

корхоналарда активлар ва пассивларни мувозанатлашган бошқариш тизими орқали хусусий капитал рентабеллигини максималлаштириш йўллари таклиф қилинган;

корхонада трансакцион харажатларни самарали бошқариш орқали давр харажатларини тежаш бўйича амалий тавсиялар тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, олинган натижаларнинг ишончлилиги ундаги маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва «Ўздонмахсулот» таркибидаги корхоналар

йиллик расмий молиявий ҳисоботларидан олинганлиги, шунингдек, ваколатли органлар томонидан тегишли хулосалар ва таклифлар амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида корхоналар молиявий натижаларини бошқаришга доир назарий ва амалий билимларни кенгайтириш, акциядорлик жамиятларида соф молиявий натижани максималлаштиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, тадқиқот мавзусига оид махсус илмий тадқиқот ишларининг услубий аппаратини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги таҳлилий материаллар ҳамда ишлаб чиқилган таклифлардан иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш, «Ўздонмаҳсулот» АЖ таркибидаги корхоналарда истиқболли дастурлар ва режалар ишлаб чиқиш, шунингдек, олий таълим муассасалари талабалари учун ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув-услубий қўлланма)ни тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида:

донни қайта ишлаш ва ун маҳсулотларини тайёрлаш корхоналари фаолиятининг паст самарали ва асосий технологик занжирга боғлиқ бўлмаган функцияларини ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан аутсорсинг асосида ишлаб чиқариш ва бошқаришга ўтказиш таклифидан «Ўздонмаҳсулот» АК фаолиятини 2025 йилга қадар иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўздонмаҳсулот» АКнинг 2020 йил 14 июлдаги 14-1-23/218-1088-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида, компания тизимидаги корхоналарнинг асосий ишлаб чиқариш ва даврий харажатлари таркиби оптималлашиб, соф молиявий натижанинг максималлашувига имкон яратган;

корхона фаолиятини молиявий диагностика қилиш функционал вазифасини фрилансинг хизматларидан фойдаланиш амалиётига ўтказиш орқали операцион харажатларни минималлаштириш таклифи «Ўздонмаҳсулот» АК фаолиятини 2025 йилга қадар ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўздонмаҳсулот» АКнинг 2020 йил 14 июлдаги 14-1-23/218-1088-сонли маълумотномаси). Компания таркибига кирувчи корхоналарда молия хизмати бўйича қатор функционал вазифаларнинг фрилансинг асосида ташкил этиш орқали соф молиявий натижани максималлаштириш имкониятларини вужудга келтирган;

иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича соф молиявий натижани максималлаштиришда харажатлар алоҳида элементларининг доимий мониторинги ва уларни тежаш имкониятларини аниқлашни таъминловчи молиявий масъулият марказларини ташкил қилиш таклифи асосида «Ўздонмаҳсулот» АК таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари ғазначилик ва молия хизмати қошида молиявий масъулият марказлари ташкил этилган

(«Ўздонмаҳсулот» АКнинг 2020 йил 14 июлдаги 14-1-23/218-1088-сонли маълумотномаси). Бу таклифнинг амалиётга жорий этилиши акциядорлик жамиятида маҳсулот реализациясидан тушумнинг юқори ўсиши шароитида таннарх ва давр харажатлари тежалиши натижасида асосий фаолият фойдасини 2019 йилда 3,7 баробарга ошириш имконини берган;

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналар фаолиятида жами харажат ва унинг элементлари ўзгариш динамикасини ҳисобга олган ҳолда молиявий натижаларнинг 2025 йилга қадар ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичларидан «Ўздонмаҳсулот» АК фаолиятини 2025 йилга қадар иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўздонмаҳсулот» АКнинг 2020 йил 14 июлдаги 14-1-23/218-1088-сонли маълумотномаси). Бу прогноз параметрларидан фойдаланиш компания тизимидаги корхоналарнинг истиқболдаги харажат ва даромадлари, молиявий натижалари асосий кўрсаткичларининг аниқлик даражасини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган халқаро журналларда 2 та, маҳаллий журналларда 4 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференция тўпламларида 7 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Корхоналар молиявий натижалари ва уларни бошқаришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланиб, ҳозирги кунда молиявий натижалар, харажатларнинг концептуал мазмуни ва уни бошқаришни такомиллаштириш зарурлиги асосланган.

Натижа (лотин тилидан *resultatus*- ифодалаш, акс эттириш) тушунчаси- пировард якун, оқибат, бирор-бир тугалланган фаолият, мавжудлик, ниманингдир ривожланиши каби тушунчаларни англатади⁵. В.И.Далнинг

⁵ Лысов И.А. Понятие, сущность и значение финансовых результатов // Вестник НГИЭИ. – 2015. – № 3(46) – С. 60-64

этироф этишича⁶, натижа (французча – Le résultat) – бирор ишнинг оқибати, пировард хулоса, иш якуни деган тушунчаларни англатади.

Молиявий натижаларни аниқлаш борасида иқтисодий йўналишдаги бухгалтерия ҳисоби мактабининг фикрлари муҳимдир. Чунки бунда бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади хўжалик фаолиятининг молиявий натижаларини шакллантириш ҳисобланади. Мазкур мактаб намоёндалари бўлган француз иқтисодчилари Э.П.Леоте ва А.Гильбо хўжалик операцияларининг қуйидаги элементар моделларини ишлаб чиққанган:

$$\text{Сотишдан тушум} = \text{Таннарх} \pm \text{Молиявий натижа} \quad (1)$$

Демак, ҳар бир операция мумкин бўлган 3 натижага эга бўлиши мумкин: фойда, зарар ёки ноли натижа. Динамик баланс ғоясини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган Э.Шмаленбахнинг таъкидлашича, молиявий натижа корхонанинг барча фаолият даврига нисбатан аниқланади ва аксарият ҳолатларда уни аниқлаш усулларига боғлиқ бўлади.

1-жадвал

Иқтисодчи олимлар томонидан молиявий натижалар талқини⁷

№	Муаллиф	Мамлакат	Касби	Аниқлик киритилиши	Манба
1.	Ж. Хикс	Буюк Британия	Иқтисодчи-молиячи	Молиявий натижа ҳисобот даврида капитал ҳажмининг ошишидир. Зарар шунга мувофиқ капиталнинг камайишидир	Д.Р. Хикс Стоимость и капитал. – М.: Прогресс, 1993. 487 с.
2.	Й. Шумпетер	Австрия	Иқтисодчи, сибсатчи, социолог	Молиявий натижа фирма тушуми ва харажати ўртасидаги тафовут	Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982. 455 с.
3.	И. Фишер	АҚШ	Иқтисодчи-молиячи	Молиявий натижа даромадлилик ўзгариши ҳисобига ҳисобот давридаги активларни баҳолаш мобайнидаги ўсишдир	Fisher I. The nature of capital and income. New York: Macmillan, 1930. 29. Walton P., Haller A., Raffourner B. International Accounting. London: Thomson, 2003. 430 p.
4.	В.Ригер	Германия	Иқтисодчи	Молиявий натижа фаолият мобайнида жамланган маблағлар билан корхона таъсис этилган вақтдаги маблағлар ўртасидаги тафовутдир	Соколов Я.В., Соколов В.Я. История бухгалтерского учета. – М.: Магистр, 2011. 287 с.

⁶ Даль В.И. Толковый словарь Даля. – М.: ФиС, 1998 г.

⁷ Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Инглиз иқтисодчиси Жон Хикс томонидан берилган таърифда молиявий натижа сифатида фойда ёки зарарга асосий урғу берилиб, унинг мулкдорлар хусусий капитали билан тўғри ва тесқари пропорционал ўзгаришининг миқдор кўрсаткичлари орқали ифодаланади. Й.Шумпетер молиявий натижаларга уни аниқлашнинг классик алгоритмига асосланган ҳолда таъриф беради. Бу ерда тушум сифатида хўжалик субъектлари томонидан олинадиган даромад манбалари назарда тутилмоқда.

Америкалик иқтисодчи И.Фишернинг фикрича, молиявий натижа даромадлилик, яъни самарадорликнинг ўзгариши билан активлар қиймати ўзгаришининг қиймат эквиваленти ўзгариши ўртасидаги боғлиқлик орқали ифодаланади. Самарадорликнинг асосий кўрсаткичи функцияси англатадики, фойда ва рентабеллик бизнес муваффақиятининг асосий мутлақ ва нисбий кўрсаткичи ҳисобланади.

Иқтисодчи Н.А.Бреславцеванинг фикрича⁸, амалиёт молиявий натижаларга нисбатан кенгроқ умумлашган кўрсаткични шакллантириш зарурлигини тақозо этади. Бундай кўрсаткич институтционал бирликларнинг мулквий ҳолатини акс эттириши ва молиявий барқарорликка оид тўлиқ манзарани ифодаловчи кўрсаткичга эҳтиёж мавжудлигини эътироф этиб ўтади. Бундай универсал тавсифдаги кўрсаткич сифатида илк классик назария асосчиси А.Смит ҳам ўз фикрларини бериб ўтган. Хусусан, А. Смит фикрларини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$G_r = (A_n - K) - (A_{n-1} - K) \quad (2)$$


Бу ерда: глобал натижавийлик (G_r) йил боши ва охирига мулквий қийматликлар қийматини ифодаласа ($A_n; A_{n-1}$), улар ўртасидаги тафовут глобал натижавийликни ифодалаб, бу мулквий қийматликлардан ишлаб чиқаришга авансланган доимий капитал (K) ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

Демак, глобал молиявий натижавийлик молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи соф молиявий натижа – фойда негизида ҳисобланувчи рентабелликка нисбатан кенг ва бизнес қийматини реал баҳоловчи модель ҳисобланади.

Демак, молиявий натижага 2 асосий позицияда ёндашиш мумкин деган хулосага келинди: **биринчиси**, молиявий натижанинг иқтисодий талқини, яъни капиталнинг ўзгариши ёки пул маблағлари ўзгариши сифатида; **иккинчиси** анъанавий талқин, даромад ва харажатлар ўртасидаги тафовут, соф активлар ҳажми ошиши сифатида қараш мумкин.

Юқоридагиларни умумлаштирган ва шакллантирилган хулосага таянган ҳолда молиявий натижага қуйидагича таърифни шакллантириш мумкин: **Молиявий натижалар** – маълум даврга фаолият натижасида олинган даромад ва харажатларни қиёслаш ҳамда хусусий капиталнинг ўзгариш миқдорини ифодаловчи қийматнинг пул эквивалентидаги мутлақ натижасидир.

⁸ Бреславцева Н.А. Бухгалтерский учет: учебное пособие. – Ростов на Дон: Феникс, 2012. – 312 с.



1-расм. Молиявий натижаларни бошқаришнинг асосий функционал элементлари⁹

Юқоридаги таъриф табиий равишда ҳисоб, молиявий диагностика ва молиявий бошқариш тизимидаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш лозимлигини тақозо этади. Бу ўз навбатида:

хўжалик субъектларида молиявий натижалар ва хусусан, соф молиявий натижани реал истиқболли баҳолаш имкониятлари учун шарт-шароит яратади;

хўжалик субъектлари молиявий ҳолатини аниқ ва реал бозор имкониятларига асосланган ҳолда баҳолаш тизимини шакллантиришда услубий асос сифатида хизмат қилади;


ҳисоб, молиявий диагностика ва молиявий бошқарувнинг миллий ва халқаро тажрибалар асосидаги ўзаро уйғунлашган тараққиётини таъминлайди.

Молиявий натижаларни бошқаришнинг бош функционал элементларидан бири адекват институционал тизимларни шакллантириш ва унинг ички бўлимларини тузилмавий такомиллаштириш, локал тизим элементлари ўртасида ваколатларни делегирлаштириш ҳамда вазифалар бўйича масъулият марказларини белгилаш масалалари назарда тутилади.

Ҳар қандай бошқариш маълум мақсадни амалга оширишга йўналтирилган сиёсатни ишлаб чиқишни назарда тутади. Молиявий натижаларни бошқариш корхоналарни умумий молиявий бошқарув тизимининг стратегик мақсади ва тактик вазифалар билан уйғунлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилади.

Молиявий натижаларни бошқаришда молиявий режалаштириш тизими муҳим аҳамият касб этади. Умуман, режалаштиришга «белгиланган мақсадларга эришиш учун ресурсларни оптимал тақсимлаш тизими», «белгиланган мақсадларни реализация қилишга боғлиқ фаолият», «келгусидаги мақсадларни реализация қилиш алгоритми» каби таърифлар берилади.

⁹ Муаллиф ишланмаси.



2-расм. Молиявий натижаларни режалаштиришнинг энг кенг қўлланилувчи усуллари¹⁰

2-расмда ифодаланган экстраполяция усули фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича шаклланивчи молиявий натижалар: соф тушум, ялпи фойда, молиявий фаолият фойдаси, умумхўжалик фаолиятдан фойда, баланс фойдаси ва соф фойданинг горизонтал (ёки тренд) динамикаси натижаларига асосланади.

Чунки, ҳар бир бизнес жараён инерцион тавсифга эга бўлиб, динамик каторлар тренди асосида молиявий натижаларни истикболли баҳолаш имкониятларига эга бўлинади. Буни қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин:

$$F_{PP} = F_{CP} * I + \xi \quad (3)$$

Демак, молиявий натижаларни истикболли баҳолаш (прогноزلаштириш) (F_{PP}) ҳисобот кўрсаткичлари (F_{CP}) ва молиявий натижаларнинг динамик индекс ўзгаришига кўпайтмаси (I) орқали аниқланади. ξ -натижавий кўрсаткичнинг стандарт тебранишини ифодалаб, режага таъсир этувчи омиллар бўйича четга оғиш даражасини ифодалайди.

Диссертациянинг «**Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш амалиётининг таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида корхоналар молиявий натижаларининг шаклланиш манбалари, унга харажат элементларининг таъсири ва рентабеллик кўрсаткичларининг корхоналар мулкӣ ҳолатига таъсири кенг таҳлил қилинган.

Амалдаги «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ни низомга¹¹ мувофиқ соф молиявий натижанинг шаклланиши бир нечта босқичлардан иборат бўлиб, бу босқичлар корхона молиявий хўжалик фаолиятининг барча спектрларини ўзида мужассамлаштиради. Бу, ўз навбатида, фойданинг шаклланиши асосий фаолият

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.

¹¹ Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги 54-сон низом. Тошкент ш., 1999 йил 5 февраль. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2018 й., 09/18/384/1266-сон.

билан бирга, ёрдамчи хўжалик ва молиявий фаолиятга ҳамда фавқулодда фаолият турларига боғлиқ. Буни куйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$C\Phi = \underbrace{\underbrace{\underbrace{(T_{cc}-IT)}_a - D_x + B_d - B_z}_b + M_d - M_x}_c + \underbrace{\Phi_\Phi - \Phi_z}_d - \Phi_c - \Phi_{bc}$$

Юқоридаги формуладан кузатиш мумкинки, соф фойда, яъни соф молиявий натижа молия-хўжалик фаолияти натижасидаги молиявий натижалар (пул даромадлари) ва харажатларнинг кенг арсеналини мужассамлаштирувчи интеграл кўрсаткич ҳисобланади. Соф фойдани ҳисоблашдаги *a* компонент ялпи фойдани ифодаласа, *b* компонент *a* компонентни ўз ичига олиб, асосий фаолиятдан олинган фойдани ўзида ифодалайди. Демак, *b* компонент корхоналар асосий ва ёрдамчи хўжалик фаолиятининг соф молиявий натижаларини ўзида мужассамлаштиради.

2-жадвал

«Учкўрғондонмахсулотлари» акциядорлик жамиятида молиявий натижалар (пул даромадлари) шаклланиши¹² (млн. сўм)


Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2013 йилга нисбатан 2019 йилда ўсиш, %да
Махсулот реализация-сидан соф тушум	43227,6	53660,9	62893,7	65310,7	84053,7	112537,1	176596,6	408,5
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	202,6	218,1	475,9	1046,4	817,8	2144,2	803,3	396,5
Молиявий фаолият даромадлари	15,1	-	386,8	131,9	3316,9	691,3	6,6	43,7
Жами даромадлар	43445,3	53879	63756,4	66489	88188,4	115372,6	177406,5	408,3

2-жадвал маълумотларидан кузатиш мумкинки, корхонада молиявий натижалар, яъни пул даромадлари шаклланиши 2013 йилда 43445,3 млн. сўмни, 2018 йилга келиб эса 115372,6 млн. сўмни ташкил қилган. Таҳлил қилинаётган даврда жами пул даромадларининг барқарор ошиши кузатилган. Жами пул даромадларининг 2015 йилдан бошлаб юқори кўрсаткичи таъминланишида корхона асосий фаолиятининг юқори молиявий натижаси билан бирга молиявий фаолиятдан даромадлар ҳиссаси ҳам сезиларли бўлган.

¹² «Учкўрғондонмахсулотлари» АЖ йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

2019 йилда эса асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 803,3 млн. сўмни ташкил қилган. Бу даромадлар асосан ёрдамчи хўжалик фаолияти натижасида ва даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ҳамда депонент қарзларни ҳисобдан чиқариш ҳисобига шаклланганлиги кузатишган.

Таҳлил қилинаётган даврдаги умумий тенденциядан хулоса қилиш мумкинки, соф молиявий натижанг шаклланиш манбалари таркибида асосий фаолият бўйича пул даромадларининг (маҳсулот реализациясидан тушум ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари) ҳиссаси юқори бўлиши билан бирга жами даромадлар ўзгариш тенденциясига мазкур даромадлар ўзгариш тенденциясининг таъсири кучли бўлмоқда. Буни қуйидаги расм маълумотларидан яққол кузатиш мумкин.



3-расм. «Учқўргондонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти пул даромадларини шаклланишида фаолиятнинг алоҳида турлари улуши¹³, жамига нисбатан фоизда

3-расм маълумотларидан кузатиш мумкинки, маҳсулот реализациясидан соф тушумнинг жами даромадлардаги ҳиссаси 2013-2018 йилларда min-95,31; max-99,6 диапазонида тебранмоқда. Деярли 95 фоиздан ортиқ даромадлар соф тушум ҳисобига шаклланмоқда. Асосий фаолият бўйича пул даромадлари тушумидаги энг юқори кўрсаткичлар 2014 йилда (99,6 % ва 0,4 %), 2015 йилда (98,65 % ва 0,75 %) ва 2018 йилда (97,54 % ва 1,86 %) кузатилиб, пул даромадлари асосан ушбу фаолият турларига тўғри келган.

Фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича соф молиявий натижани пул даромадларини кўпайтиришнинг иқтисодий омиллари ҳисобига ошириш бир томондан экстенсив юксалиш шакли бўлиб, бундай молиявий бошқарув стратегияси корхоналарнинг яқин истиқболдаги рақобатбардошлиғи ёки бозор қийматини максималлаштириш имкониятларини таъминламайди. Шунинг учун ҳам фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича даромадлар (T_0), харажатлар (T_x) ва

¹³ «Учқўргондонмаҳсулотлари» АЖ йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

соф молиявий натижа, яъни фойдани (T_ϕ) динамик ўсиш суръатида интенсив ривожланишни самарали молиявий бошқариш тизими чегаравий мезонлари сифатида қуйидаги моделга риоя қилиниши тавсия этилади:

$$T_x \leq T_\phi \leq T_\phi \quad (5)$$

Бизнес юритиш тизимида бундай мезонларга асосланган ҳолда молиявий натижаларни бошқариш соф фойдани максималлаштиришни таъминлайди. Молиявий натижани бошқаришнинг юқоридаги мезонларига асосланган ҳолда кутиладиган самарадорлик индикатори фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича соф молиявий натижаларнинг шаклланиши ҳисобланади.

3-жадвал

«Учқўргондонмахсулотлари» акциядорлик жамияти асосий фаолият молиявий натижалари номинал йиллик ўсиши¹⁴ (млн. сўм)


Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Маҳсулот реализациясидан соф тушумнинг йиллик номинал ўсиши, $\Delta MPCT = MPCT_n - MPCT_{n-1}$	10433,3	9232,8	2417	18743	28483,4	64059,5
Реализация қилинган маҳсулот таннархининг йиллик номинал ўсиши, $\Delta T = T_n - T_{n-1}$	9275,5	8537,2	1850,3	22894,7	18929,6	42921,2
Ялпи фойдани йиллик номинал ўсиши, $\Delta Y\Phi = Y\Phi_n - Y\Phi_{n-1}$	1157,8	695,6	566,7	-4151,7	9553,8	21138,3

Корхонада ялпи фойданинг йиллик номинал ошиши ($\Delta Y\Phi$) 2014 йилга нисбатан 2015 йилда 695,6 млн. сўмни, 2016 йилда эса 566,7 млн. сўмни ташкил қилиб, йиллик номинал ўсишдаги пасайиш тенденцияси кузатилган. 2017 йилда эса йиллик номинал ўсиш эмас, балки пасайиш (-4151,7 млн. сўм) кузатилган. Бу, ўз навбатида, маҳсулот реализациясидан соф тушумнинг йиллик номинал ўсишига ($\Delta MPCT$) нисбатан таннархнинг юқори даражадаги йиллик номинал ўсиши (ΔT) ҳисобига таъминланган. Хусусан, маҳсулот реализациясидан тушумнинг йиллик номинал ўсиши ($\Delta MPCT$) 2016 энг паст кўрсаткичга (2417 млн. сўм) эга бўлиб, бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 18743 млн. сўмни ташкил қилган.

Лекин реализация қилинган маҳсулот таннархининг йиллик номинал ўсиши (ΔT) 2016 йилда 1850,3 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2017 йил 2016 йилга нисбатан йиллик номинал ўсиши (ΔT) таҳлил қилинаётган даврдаги энг юқори ўсиш, яъни 22894,7 млн. сўмни ташкил қилган. 2018-2019 йилларда маҳсулот реализациясидан соф тушумнинг йиллик номинал ошиши мос равишда 28483,4 ва 64059,5 млн. сўмни ташкил қилган. Маҳсулот таннархининг йиллик номинал ошиши мос равишда 18929,6 ва 42921,2 млн. сўмни ташкил қилган. Натижада кейинги 2 йилда ялпи фойдани кескин йиллик номинал ўсиши кузатилмоқда.

¹⁴ «Учқўргондонмахсулотлари» АЖ йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

Ушбу манзарани яққолроқ кузатиш учун қуйидаги расм маълумотларига муурожаат қилиш мумкин. Маҳсулот реализациясидан соф тушумнинг 2015 йилга нисбатан 2016 йилдаги ошиши ($T_{мрсг}$) 103,84 %ни, 2016 йилга нисбатан 2017 йилдаги ўсиш ($T_{мрсг}$) эса 128,7 % ни ташкил қилган.



4-расм. «Учқўрғондонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти асосий фаолият молиявий натижаларининг динамик ўсиш суръати¹⁵, (ўтган йилга нисбатан)

Реализация қилинган маҳсулот таннархининг 2015 йилга нисбатан 2016 йилдаги ошиши эса 103,25%ни ташкил қилган бўлса, 2017 йилдаги ўсиш юқори кўрсаткич, яъни 138,93%ни ташкил қилган.

Демак, 2017 йилдаги ялпи фойданинг 2016 йилга нисбатан пасайиш суръатининг ($T_{яф}$) 36,17%ни ташкил қилиши, асосан маҳсулот реализациясидан соф тушумнинг мос даврга нисбатан заиф ошиши шароитида реализация қилинган маҳсулот таннархининг 138,93%га ортиши ҳисобига кузатилган. Шунингдек, 2018 йил ялпи фойданинг йиллик ошиш суръати 506,01%га ортиши маҳсулот реализациясидан соф тушумнинг 133,89% йиллик ўсиш суръати таъминланиши эвазига кузатилган. 2019 йилда эса ялпи фойданинг йиллик 277,53%лик ошиш суръати маҳсулот реализациясидан соф тушумнинг 156,92 %га йиллик ошиш суръати ҳисобига таъминланган.

Хулоса қилиш мумкинки, ялпи фойданинг кейинги 2 йилдаги ошиш суръати қуйидаги 2 тенденцияга боғлиқ бўлган:


Биринчидан, корxonанинг истеъмол товарлари бозоридаги сегментининг кенгайиши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига тушумнинг юқори даражада ошиш суръати таъминланмоқда.

Иккинчидан, ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан модернизациялаш ва энергия сарфини иқтисод қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиши натижасида тушумга нисбатан таннархнинг ўсиш суръатини секинлаштириш имкониятларига эга бўлинган. Натижада ялпи фойданинг юқори ўсиш суръати таъминланган.

¹⁵ «Учқўрғондонмаҳсулотлари» АЖ йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

Лекин ялпи фойданинг ошиш суръати маҳсулот реализациясидан соф тушумнинг ошиш суръати ҳисобига таъминланиши корхоналардаги иқтисодий ривожланиш экстенсив тавсифга эга эканлигини кўрсатади. Таннархни максимал иқтисод қилишга йўналтирилган интенсив ривожланиш тенденциясини таъминлаш бўйича кенг имкониятлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда корхона фаолиятида жами харажат ва унинг элементлари ўзгариш динамикасини ҳисобга олган ҳолда молиявий натижаларнинг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичларини шакллантирамиз.



5-расм. «Учқўрғондонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида маҳсулот реализациясидан соф тушумнинг 2021-25 йилларга прогноз кўрсаткичлари¹⁶

Маълумотлардан кўришимиз мумкинки, 2005-2020 йиллардаги маҳсулот реализациясидан соф тушумнинг номинал миқдори ҳақидаги рестроспектив маълумотлар базасидаги прогноз кўрсаткичлари 2025 йилгача муддатга барқарор ўсиш тренди кузатилмоқда. 2005-2020 йиллардаги кўрсаткичлар динамикаси экспоненциал ўсиш суръатига яқин бўлиб, бунда аппроксимация коэффициенти 0,9975 ни ташкил қилмоқда. Прогноз кўрсаткичларига таъсир этувчи йиллар кесимидаги омиллар вазнида 2019-2020 йиллардаги динамик ўзгариш юқори таъсир кучига эга бўлмоқда. Ҳақиқий кўрсаткичларда тренд чизиғининг оғиш даражасининг нисбатан юқорилиги натижасида йиллар кесимидаги кўрсаткичлардаги стандарт хатолик ўсиб бориш хусусиятига эга бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, маҳсулот реализациясидан тушумнинг ўрта муддатли оптимистик тарздаги прогноз кўрсаткичи молиявий натижаларни қиймат кўрсаткичини юқори бўлиши натижасида рентабеллик кўрсаткичларини яхшилашга имконият яратиши мумкин. Ушбу натижага харажат омилини

¹⁶ «Учқўрғондонмаҳсулотлари» АЖ йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

инобатга олган ҳолда уларни комплекс иқтисод қилишга йўналтирилган чора тадбирлар орқали эришиш мумкин бўлади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳсулот реализациясидан тушум юқори даражада шаклланаётганлигига қарамай, корхонада таннарх харажатлари билан бирга сезиларли даражадаги давр харажатлари асосий фаолият соф молиявий натижасининг шаклланишига таъсир этмоқда.

4-жадвал

Асосий фаолият фойдаси (зарари) шаклланишида ялпи фойда (зарар) ва бошқа даромадларнинг ҳиссаси¹⁷

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Ялпи фойдадан давр харажатларини чегириш натижасидаги молиявий натижа	654,6	502,3	522,7	773,3	-5399,3	3844,9	21362,6
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	202,6	218,1	475,9	1046,4	817,8	2144,2	803,3
Асосий фаолиятнинг фойдаси	857,2	720,4	998,6	1819,7	-4581,6	5989,1	22165,9
Ялпи фойдадан давр харажатларини чегириш натижасидаги молиявий натижанинг асосий фаолият фойдаси (зарари) даги улуши, %да	76,4	69,7	52,3	42,5	117,8	64,2	96,38
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларининг асосий фаолият фойдасидаги (зарари) улуши, %да	23,6	30,3	47,7	57,5	-17,8	35,8	3,62

Асосий фаолият фойдаси шаклланишида ялпи фойдадан давр харажатларини чегириш натижасидаги молиявий натижанинг улуши 2013 йилда 76,4%ни ташкил этган. 2016 йилгача пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 42,5 %ни, 2017 йилда эса зарар билан яқунланган. 2018 йилга келиб, бу кўрсаткич 64,2 %ни, 2019 йилда эса 96,38 %ни ташкил қилган (4-жадвал).

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари эса 2013 йилда 23,6 %ни, 2016 йилда эса энг юқори даража яъни 57,5 %ни ташкил қилмоқда. 2017 йилда ялпи фойдадан давр харажатларини чегириш натижасидаги молиявий натижа зарар билан яқунланган бўлиб, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари кўрилган зарарни 17,8 %га қисқартириш имкониятига эга бўлган.

Асосий фаолият фойдаси шаклланишида ялпи фойдадан давр харажатларини чегириш натижасидаги молиявий натижа таҳлил қиринаётган давр мобайнидаги хаотик тарзда ўзгариш тенденциясига эга бўлиб, тебраниш амплитудаси тах 96,38% дан min 42,5% кўрсаткич чегараларини ташкил қилган.

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларининг асосий фаолият фойдасидаги улуши 2019 йилда 3,62% га тушиб кетган.

Демак, корхонада асосий фаолиятнинг соф молиявий натижалари шаклланишига салбий таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжуд.

¹⁷ «Учкўрғондонмаҳсулотлари» АЖ йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

Дон ва дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида харажатлар тизими улардаги операцион фаолиятнинг ташкилий-иқтисодий асосларига боғлиқ.


«Учқўрғондонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти фаолияти мобайнидаги харажатлар таҳлилидан кузатиш мумкинки, жами харажатлар 2013 йилда 43274,7 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб, бу кўрсаткич 158556,5 млн. сўмни ташкил қилган. Жами харажатлар ошишида таннарх харажатлари асосий улушга эга бўлса-да, 2019 йилга келиб, солиқ базасининг кенгайиши ҳисобига фойда солиғи бўйича харажатларнинг ошиши кузатилган. Лекин қарз капиталларини қайта тузиш натижасида молиявий фаолият харажатларининг қисқариши кузатилган.

5 -жадвал

«Учқўрғондонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти фаолиятида харажат элементларининг таҳлили¹⁸, млн. сўм

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Сотилган маҳсулот таннархи	39142,9	48418,4	56955,6	58805,9	81700,6	100630,1	143551,4
Давр харажатлари	3430,1	4740,3	5415,4	5731,3	7752,4	8061,9	11682,6
Молиявий фаолият харажатлари	597,2	614,4	1288,2	1837,2	11137,7	2747,4	1128,7
Фойда солиғи	97,1	76,4	65,9	77,4	0	403,1	2193,8
Фойдадан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар	7,4	6,9	5,5	6,9	0	0	0
Жами харажатлар	43274,7	53586,4	63730,6	66458,7	100590,7	111842,5	158556,5

Демак, харажатлар умумий ҳажмидаги ўзгариш маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита боғлиқ бўлиб, бу кўрсаткич бир томондан, ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ ўзгарувчан харажатларнинг жами харажатлар ўзгаришига таъсир даражаси юқори эканлигидан далолат беради.



6-расм. «Учқўрғондонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти фаолиятида жами харажат ва унинг элементлари йиллик ўзгариш динамикаси таҳлили¹⁹, млн. сўм

¹⁸ «Учқўрғондонмаҳсулотлари» АЖ йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

¹⁹ «Учқўрғондонмаҳсулотлари» АЖ йиллик молиявий ҳисоботлари асосида шакллантирилган.

Жами харажат ва унинг элементларининг йиллик ошишида қуйидаги манзарани кузатиш мумкин: жами харажатларининг йиллик ошишида 2017 йилда юқори кўрсаткич (йиллик 151,4 %) кузатилган. 2019 йилда ҳам 2018 йилга нисбатан ўсиш 141,8 %ни ташкил қилган. Натижада харажатларнинг таҳлил қилинаётган даврдаги максимал даражаси ушбу йилларда кузатилган. Сотилган маҳсулотнинг таннарх харажатлари йиллик ошиши ҳам 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 123,7 %ни ташкил қилган. 2019 йилда эса бу кўрсаткич 142,7%ни ташкил қилмоқда. Давр харажатларининг юқори йиллик ошиши ҳам 2019 йилда кузатилган (144,9 %).

Демак, таннарх харажатлари ва давр харажатларининг жами харажатлардаги юқори улуши, мазкур харажат элементларининг йиллик ошиш динамикаси жами харажатлар ўзгаришига нисбатан мультипликатив таъсир кучига эга бўлинишини таъминлаган.

6-жадвал

Дон ва дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи айрим корхоналарда таннарх харажатлари тўғрисида маълумот²⁰

